DOI: https://doi.org/10.37547/supsci-ojhpl-05-11-49 Pages: 390-397

Oriental Journal of History, Politics and Law

SUPPORT SCIENCE

ORIENTAL JOURNAL OF HISTORY, POLITICS AND LAW

journal homepage:
https://www.supportscience.uz/index.php/ojhpl



FEATURES OF CRIMINAL LIABILITY OF MINORS IN FOREIGN COUNTRIES

Khurshid Saidov
Master's student
Law enforcement academy of The Republic of Uzbekistan
E-mail: xurshidsaidov001@gmail.com
Tashkent, Uzbekistan

ABOUT ARTICLE

Key words: age of criminal responsibility, criminal law, a minor, age category.

Received: 24.11.25
Accepted: 25.11.25
Published: 26.11.25

Abstract: This article analyzes the criminal liability of minors and its specific features in certain foreign countries, the types of penalties that may be imposed on juveniles, their age categories, and the key provisions of legislation concerning the age of criminal responsibility. In addition, it examines the normative foundations for establishing the minimum age of criminal liability in various countries.

АЙРИМ ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАРДА ВОЯГА ЕТМАГАНЛАРНИНГ ЖИНОИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ ХУСУСИЯТЛАРИ

Хуршид Саидов
Магистратура талабаси
Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси
E-mail: xurshidsaidov001@gmail.com
Тошкент, Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: жиноий жавобгарлик ёши, жиноят қонунчилиги, вояга етмаган, ёш тоифаси.

Аннотация: Мазкур мақолада айрим хорижий мамлакатларда вояга етмаганлар жиноий жавобгарлиги ва ўзига хос хусусиятлари, вояга етмаганларга нисбатан тайинлаши мумкин бўлган жазо турлари, уларнинг ёш тоифаси ва жавобгарлик ёшига оид қонунчиликнинг асосий жиҳатлари таҳлил қилинади. Шунингдек, жиноий жавобгарликнинг минимал ёшини белгилашнинг турли мамлакатлардаги меъёрий асослари кўриб чиқилади.

ОСОБЕННОСТИ УГОЛОВНОЙ ОТВЕТСТВЕННОСТИ НЕСОВЕРШЕННОЛЕТНИХ В НЕКОТОРЫХ ЗАРУБЕЖНЫХ СТРАНАХ

Хуршид Саидов
Студент магистратуры
Академия правоохранительных органов Республики Узбекистан
E-mail: xurshidsaidov001@gmail.com
Ташкент, Узбекистан

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: возраст уголовной ответственности, уголовное категория.

Аннотация: В данной статье анализируются уголовная ответственность несовершеннолетних и её специфические особенности в отдельных зарубежных странах, виды наказаний, которые могут назначаться несовершеннолетним, возрастные категории и ключевые положения законодательства, касающиеся возраста уголовной ответственности. Кроме того, рассматриваются нормативные основания установления минимального возраста уголовной ответственности в различных странах.

Кириш. Ҳар бир демократик давлатнинг жиноят қонунчилиги инсоннинг ўз ҳаракатларини англаш ва уларни бошқариш қобилиятини жиноий жавобгарликка тортишнинг асосий мезони сифатида қабул қилади. Шу боис шахснинг мазкур қобилиятини белгилайдиган асосий икки белгиси ёш ва ақлий соғломлик ҳисобланади. Жиноий жавобгарликка тортиш учун бу икки белгининг мавжудлиги зарур, чунки улар жиноят субъекти тушунчасини очиб беради.

Жиноят қонуни билан белгиланган ёшга тўлганлик шахсни жавобгарликка тортишнинг муҳим шарти ҳисобланади. Бу зарурат шахснинг ўз ҳаракатларининг ижобий ёки салбий аҳамиятини англаш қобилияти билан боғлиқ. Шу сабабли, ўз қилмишининг хавфлилигини англай олмайдиган болани жиноий жавобгарликка тортиш мумкин эмас.

Кўпчилик давлатларнинг жиноят қонунчилигида вояга етмаганларни жиноий жавобгарликка тортишнинг энг кам ёш чегараси белгиланган. Бу ёшга етмаган, лекин жиноят содир этишда айбдор, деб топилган вояга етмаган шахслар жиноий жавобгарликка тортилмасдан, тарбиявий аҳамиятга эга бўлган таъсир чоралари қўлланилади. Зеро, “Бола, у жисмоний ва ақлий жиҳатдан камолотга етмаганлиги туфайли, махсус равишда муҳофаза ва ғамхўрликка, бинобарин, туғилгунча ва туғилгандан кейин ҳам муносиб даражада

ҳуқуқий ҳимояга мухтож” [1] мазкур халқаро ҳуқуқий қоида Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенцияда мустаҳкамланган.

Ҳозирги кунда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан вояга етмаганлар жиноятчилигига қарши курашда жиноят-ҳуқуқий нормаларини такомиллаштириш, қонунчиликни ривожлантириш ва уни самарадорлигини оширишнинг қоидаларини ишлаб чиқиш, ҳамда уларни амалиётга татбиқ қилиш масаласига катта эътибор қаратилмоқда. Шу ўринда вояга етмаганларга жазо тайинлаш, уларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган чораларни қўллаш, шунингдек вояга етмаганларга тарбиявий характердаги мажбурлов чораларни қўллаш билан боғлиқ хорижий мамлакатлар қонунчилигида эришилган илғор тажрибаларни ўрганиш ҳозирги кун талаби бўлиб қолмоқда.

Мамлакатимизда ҳам бу борада сезиларли ишлар амалга оширилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 6 – бўлим, 15-16-боб, 81-90-моддаларида вояга етмаган шахслар жиноий жавобгарлигига оид махсус нормалари жамланиб, вояга етмаганлар жиноий жавобгарлиги ва жазо масалалари билан боғлиқ барча нормалар тизимлаштирилган.

Фикримизча, айрим хорижий мамлакатларнинг жиноят қонунчилиги миллий жиноят қонунчилигига нисбатан айрим даражада ўхшаш ва фарқли меъёрларга эга.

Масалан, собиқ иттифоқ давлатларидан Россия Федерациясининг амалдаги Жиноят кодексида вояга етмаганлар жиноий жавобгарлигига оид белгиланган нормалар миллий қонунчилигимизга ўхшаш. Жумаладан, РФ Жиноят Кодексининг 5-бўлими, 14-бобида вояга етмаган шахсларнинг жиноий жавобгарлигига оид нормалар белгиланган бўлиб, 87-моддасига кўра вояга етмаган деб жиноят содир этган вақтида 14 ёшга тўлган, аммо 18 ёшга етмаган шахс ҳисобланиб, уларга нисбатан жарима, муайян фаолият турлари билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш, аҳлоқ тузатиш ишлари, мажбурий иш, озодликни чеклаш ва муайян муддатга озодликдан маҳрум қилиш [2] каби жазолар тайинланади.

РФ Жиноят Кодексининг 88-моддасида жиноий жазо сифатида жарима жазоси минг эллик минг рублгача миқдорда ёки ойлик иш ҳақи миқдорда ёки вояга етмаган маҳкумнинг ундирувни қаратиш мумкин бўлган мустақил маоши ёки мулки мавжуд бўлиши ёки бўлмаслигидан қатъий назар, унинг икки ҳафтадан олти ойгача бўлган даврдаги бошқа даромади миқдорида тайинланиши кўрсатилган. Суд қарори билан жарима унинг ота-онаси ёки бошқа қонуний вакилларидан уларнинг розилиги билан ундирилиши мумкин.

РФда озодликдан маҳрум қилиш жазоси эса ўн олти ёшгача бўлган шахсларга олти йилдан кўп бўлмаган муддатга, улар томонидан ўта оғир жиноят содир этилганида эса - ўн йилдан ортиқ бўлмаган муддатга тайинланади ва тарбия колонияларида ўталади. Мазкур

жазо ўн олти ёшгача бўлган маҳкумга биринчи марта содир этилган ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноят учун озодликдан маҳрум қилиш жазо қўлланмайди [3].

Польша Жиноят кодексида эса жиноий жавобгарликка тортиш ёши юқори чегара билан белгиланган умумий ҳолатда 17 ёшдан бошлаб. Бироқ, тўққиз турдаги жиноятлар учун жавобгарлик 15 ёшдан бошланади, аммо бу фақат фавқулодда ҳолатларда қўлланилади.

Эстония жиноят қонунчилиги кўплаб давлатлардан фарқли равишда вояга етмаганлар учун алоҳида жазо турлари белгиланмаган. Шу боис, вояга етмаган шахсларга катталарга нисбатан қўлланиладиган жазо турлари татбиқ этилиши мумкин. Эстония Жиноят Кодекснинг 21-моддасига кўра, жарима, муайян лавозимни эгаллаш ёки муайян фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум этиш, ҳибс ва озодликдан маҳрум қилиш каби жазо турлари мавжуд. Шу билан бирга вояга етмаганларга нисбатан тайинланган жазо муддатлари аниқ белгиланган [4].

Шунингдек, Украина, Арманистон ва Тожикистон Республикасида ҳам вояга етмаганларга оид жиноят қонунчилиги нисбатан ўхшаш бўлиб, жиноят содир этган пайтда 14 ёшга тўлган, лекин 18 ёшга тўлмаган шахслар вояга етмаган шахслар сифатида кўрилади.

Украина Жиноят Кодексининг 98-моддасига кўра вояга етмаган шахсларга нисбатан жарима, мажбурий жамоат ишлари, ахлоқ тузатиш ишлари, қамоқ, озодликдан маҳрум қилиш каби жазо турлари, шунингдек, қўшимча жазо сифатида бирор бир лавозимни эгаллаш ёки фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш тайинланиши мумкин.

Арманистон жиноят қонунларига кўра эса ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятларни содир этган вояга етмаган шахсларга огохлантириш, олти ойдан ошмаган муддатга ота-она ёки уларни ўрнини босувчи шахслар ёки ўзини ўзи бошқариш органлари назорати остига бериш, етказилган зарарни суд томонидан белгиланган муддатда қоплаш каби мажбурий чоралар қўлланилиши мумкин. оғир ва ўта оғир жиноятларни содир этган ўн олти ёшгача бўлган шахсларга нисбатан жиноятлар мажмуи тарикасида озодликдан махрум килиш жазоси тайинланганда ушбу жазонинг муддати етти йилдан ошмаслиги белгланган.

Кўришимиз мумкинки, юқоридаги МДҲ давлатларида вояга етмаганлар жиноий жавобгарлигига оид ҳуқуқ нормалари миллий қонунчилигимизга ўхшаш. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 81-моддасига мувофиқ, ўн саккиз ёшга тўлмасдан жиноят содир этган шахсларга жарима, мажбурий жамоат ишлари, аҳлоқ тузатиш ишлари, озодликни чеклаш ва озодликдан маҳрум қилиш жазолари қўлланилиши

мумкин. Шунингдек, мазкур кодекснинг 88-моддасига кўра, вояга етмаган шахсларга нисбатан қуйидаги мажбурлов чоралари қўлланилади:

а) суд белгилайдиган шаклда жабрланувчидан узр сўраш мажбуриятини юклаш;

б) ўн олти ёшга тўлган шахс зиммасига етказилган зарарни ўз маблағи ҳисобидан ёки меҳнати билан тўлаш ёки бартараф қилиш мажбуриятини юклаш. Ушбу чора агар етказилган зарар белгиланган базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн бараваридан ошиб кетмаган бўлса қўлланилади. Бошқа ҳолларда етказилган зарар фуқаровий ҳуқуқий тартибда ундирилади;

в) вояга етмаганни махсус ўқув-тарбия муассасасига жойлаштириш.

Фикримизча, вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноят ишларини юритишнинг судга бўлган босқичида ҳамда уларга нисбатан жазо тайинлашда вояга етмаганнинг ривожланганлик даражаси, турмуш шароити ва тарбиясини, соғлиғини, катта ёшдагиларнинг ва бошқа ҳолатларнинг унинг шахсига таъсирини ҳисобга олиниши лозим.

Бу борада жаҳонда ҳуқуқ тизими етакчи давлатлардан бири бўлган АҚШда вояга етмаганлар (juveniles) одатда 18 ёшга тўлмаган шахслар ҳисобланади. Аммо, ёш чегараси штатлар бўйича фарқ қилиб, кўпчилик штатларда жавобгарлик 18 ёшдан бошланади, аммо айрим штатларда (масалан, Техас, Жоржия) айрим жиноятлар учун 17 ёшдан жавобгарлик белгиланган.

Вояга етмаганларга нисбатан жиноий жазодан кўра, тарбиявий ва психологик ёрдам чоралари: реабилитация марказлари, психологик ёрдам дастурлари ёки ижтимоий хизмат ишлари қўлланилади.

Шунингдек, АҚШ жиноий суд тизимида алоҳида вояга етмаганлар ишлари бўйича судлар (Juvenile Courts) фаолият юритади. Ушбу судлар жазолаш эмас, балки шахсни қайта тўғри йўлга қайтаришни мақсад қилади. Шу билан бирга, жиноятнинг оғирлигига қараб катталар судига ўтказиш имконияти мавжуд бўлади. Яъни, агар вояга етмаган шахс оғир жиноят (масалан, қотиллик, зўравонлик билан босқинчилик ва ҳ.к.) содир этса, суд уни катталар сифатида жавобгарликка тортиши мумкин. Бу ҳолат "transfer to adult court" деб аталади [5].

Ғарбий Европа давлатлари қонунчилигида эса жиноий жавобгарлик ёши турлича белгиланган. Кўпчилик мамлакатларда балоғат ёши 18 ёшни ташкил этади. Жиноий жавобгарликнинг қуйи ёш чегараси эса 10 ёшдан 16 ёшгача бўлган ораликда белгиланган.

Францияда 1992 йилда қабул қилинган Жиноят Кодексига кўра, жиноий жавобгарлик субъектлари жисмоний ва юридик шахслар бўлиши мумкин. Шу билан бирга, мазкур кодексда жиноят субъекти тушунчаси ва унинг белгиларини акс эттирувчи тўғридан-тўғри махсус моддалар мавжуд эмас ҳамда жиноят содир этган жисмоний шахснинг ёши аниқ

белгиланмаган. Бироқ мазкур қонуннинг 1228-моддасида 13 ёшдан катта бўлган вояга етмаган шахсларга жазо қўлланилиши мумкин бўлган шартлар алоҳида норматив ҳужжатда белгиланиши кўрсатилган. Шу тарзда, Францияда жиноий жавобгарлик 13 ёшга тўлган вояга етмаган шахсга нисбатан ҳам қўлланилиши мумкин бўлиб, жиноят содир этишда айбланаётган вояга етмаган шахсларга нисбатан алоҳида қонун томонидан белгиланган тартиб ва шароитлар асосида уларга нисбатан ҳимоя, ёрдам, назорат ва тарбия чораларини қўллаш мумкин.

Швейцарияда вояга етмаганларнинг жиноий жавобгарлиги болалар (7–15 ёш), ўсмирлар (15–18 ёш) ва ёшлар (18–25 ёш) учун алоҳида бўлимлар орқали белгиланган. Швейцария Жиноят кодексида жиноий қилмиш субъекти ёшини белгилашга ноанъанавий ёндашув қўлланилган. Шуни таъкидлаш керакки, Швейцарияда жиноий қилмиш субъекти тушунчаси ва асосий белгиларини белгилайдиган умумий норма мавжуд эмас. Бироқ, Швейцария Жиноят кодекси субъектнинг бу белгиларини етарлича батафсил тартибга солади. Кодексда вояга етмаганларга бағишланган икки бўлим (тўртинчи ва бешинчи) мавжуд бўлиб, улар вояга етмаганларни таснифлайди ва муайян ёш гуруҳларини белгилайдиган жиноий жавобгарлик тўғрисидаги қоидаларни ўз ичига олади. Ушбу тоифадаги шахсларга кодексга кўра 7 ёшдан 15 ёшгача бўлган болалар (82-модда), 15 ёшдан 18 ёшгача бўлган ўсмирлар (89-модда), 18 ёшдан 25 ёшгача бўлган ёшлар (100-модда) киради.

Испанияда вояга етмаганларнинг жиноий жавобгарлиги “Вояга етмаганлар тўғрисидаги” Қонун билан тартибга солинади. Испания Жиноят кодексининг 20-моддасида фақатгина 18 ёшга тўлмаган шахс жиноий жавобгарликка тортилмаслиги кўрсатилган. Агар белгиланган ёшга етмаган шахс жиноят содир этса, у вояга етмаганлар жиноий жавобгарлиги тўғрисидаги қонун асосида жавобгар бўлади. Ушбу қонунда барча жиноят ва ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлик 16 ёшдан, айни вақтда оғирроқ жиноятлар учун эса 14 ёшдан бошлаб белгиланган.

Италия Жиноят кодексида эса жиноят субъекти тушунчаси аниқ баён этилган. Кодекснинг 85 ва 97-моддаларига мувофиқ, жиноят субъекти деб ақли расо ва 14 ёшга тўлган шахс эътироф этилади. Демак, Италия Жиноят кодексига кўра ҳам шахсни жиноий жавобгарликка тортиш учун унинг 14 ёшга тўлган бўлиши талаб этилади [6].

Осиё қитъасининг ривожланган мамлакатларидан Японияда вояга етмаганлар томонидан содир этиладиган ҳуқуқбузарликлар “Вояга етмаганлар тўғрисидаги Акт” (Juvenile Act) [7] ҳамда Жиноят қонуни (Penal Code) [8] билан тартибга солинади. Япония Жиноят қонунининг 41-моддасига кўра, 14 ёшга тўлмаган шахслар жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин эмас.

Хулоса. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, турли мамлакатларда жиноий жавобгарлик ёшини белгилашда ягона ёндашув мавжуд эмас. Бироқ барча қонунчилик тизимлари вояга етмаганлар жазосининг асосий мақсади уларни қайта тарбиялаш ва жамиятга мослаштириш эканини эътироф этади.

Шунингдек, хорижий мамлакатлардаги вояга етмаганларнинг жиноий жавобгарлигига оид қонунчиликни таҳлил қилиш натижасида шунга ишонч ҳосил қилишимиз мумкинки, бугунги кунда мамлакатимизда вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари ҳимоясини янада кучайтириш, Жиноят ва Жиноят процессуал кодексларидаги вояга етмаганларга оид нормаларни такомиллаштириш, вояга етмаганлар бўйича алоҳида қонунчиликни шакллантириш ҳамда одил судлов тизимини жорий этиш кун тартибидаги масалалардан бирига айланган.

Сабаби, ривожланган мамлакатлар тажрибаси вояга етмаганларга нисбатан тайинланадиган жазо ва бошқа таъсир чораларини кўчайтириш орқалигина уларнинг келгусида жиноят содир этишини олдини олиш, қайта тарбияланиш мақсадига эришиб бўлмаслигини, бунинг учун чуқурроқ изланишлар олиб борилиши, вояга етмаганлар психологиясига таъсир ўтказиши мумкин бўлган тарбиявий чоралар ишлаб чиқилиши лозимлигини кўрсатмоқда.

Фикримизча, вояга етмаганларнинг жиноий жавобгарлигига оид халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган нормаларини ўрганган ҳолда, мамлакатимизда вояга етмаганларга нисбатан жиноий жазоларни либераллаштириш, жазо тизимида озодликдан маҳрум қилиш жазосига муқобил бўлган шахсни аҳлоқан тузатиш имконини берадиган бошқа мажбурлов чораларини кенг қўллашни такомиллаштириш, жиноят ишини судгача юритиш ҳамда судда жиноят ишини кўриш босқичларида инсонпарварлик ва одиллик тамойилларига риоя этилишини таъминлаш бўйича алоҳида чора тадбирлаш ишлаб чиқиш лозим бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Бола ҳуқуқлари тўғрисидагиКонвенция (1989 йил 20 ноябрда БМТ Бош Ассамблеясининг 44/25-сонли резолюциясига асосан қабул қилинган.
2. Ситковская О.Д. Россия Федерацияси жиноят кодексига психологик шарҳ. - Москва, 1999.
3. Прозументов Л.М. Вояга етмаган маҳкумларнинг ҳуқуқлари. - Томск, 2007.
4. Игнатов А.И., Козочкин И.Д. таҳририда. Чет эл жиноят ҳуқуқи. - Москва, 1990.
5. U.S. Department of Justice – Office of Juvenile Justice and Delinquency Prevention (OJJDP)https://ojjdp.ojp.gov
6. Уголовное законодательство зарубежных стран (Литва, Англия, США, Франция, Германия): Сборник законодательных материалов/ Под ред. И.Д.Козочкина.- М. 2020.

7. http://www.japaneselawtranslation.go.jp/law/detail_main?vm=02&id =1978

8. http://www.japaneselawtranslation.go.jp/law/detail_main?re=02&ia=03&vm=02&id= 1960